



**Кибер маконда содир этиладиган иқтисодий жиноятларни олдини олишни
такомиллаштириш**

**ИИБ Академияси магистратураси
тингловчиси, подполковник
Худойбердиев Яшин Эркин ўғли**

Кибер маконда содир этиладиган иқтисодий жиноятлар — молиявий операциялар, банк тизими, корпоратив маълумотлар ва шахсий ҳисобларни бузиш орқали амалга ошириладиган замонавий жиноятчилик тури бўлиб, уларнинг эҳтимолий зарари анъанавий иқтисодий жиноятларга нисбатан неча баравар юқори. Шу боис Республикада рақамли хавфсизликни таъминлаш, профилактика тизимини такомиллаштириш, инновацион ҳимоя механизмларини жорий этиш долзарб масалага айланган. Ушбу мақолада кибер маконда содир этиладиган иқтисодий жиноятларнинг хусусиятлари, уларни келтириб чиқарувчи омиллар, мавжуд муаммолар ва уларни олдини олишнинг таклиф этилган усуллари илмий таҳлил этилади.

Дунёда ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашиш муаммолари тобора глобал аҳамият касб этмоқда. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси, Европа Кенгаши, ШХТ, МДХ, Араб давлатлари лигаси ва бошқа ташкилотлар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан жиноий мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда 7 миллиардга яқин инсон (дунё аҳолисининг 95 %) электр алоқасининг кўчма тармоқлари билан қамраб олинган. йилига кибержиноятчилик оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ЯИМнинг 1% ни ташкил этади.

Жаҳонда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, кибержиноятларга қарши курашиш, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ва уларни содир этган шахсларнинг криминологик тавсифини ўрганиш, халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишнинг долзарблиги бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этмоқда.



Ахборот технологиялари соҳасидаги муносабатларни ва ахборот хавфсизлигини жинойт тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш, кебир маконда содир этилаётган иқтисодий жиноятларни олдини олиш, мазкур жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган миллий қонун ҳужжатлари ва қонунни қўллаш амалиётида учрайдиган жиноят-ҳуқуқий муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимларини топиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш, ахборот технологиялари соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш мақсадида дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш»³ каби масалалар назарда тутилган. Шу сабабли, жиноят қонунчилигига шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфли ахборотларни тарқатганлик учун жавобгарлик белгилаш, ахборот хавфсизлигини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида муҳофаза қилиш, ахборот соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда рақамли технологиялар жадал ривожланиб, давлат бошқаруви, иқтисодиёт, таълим, банк-молия тизими, электрон тижорат, соғлиқни сақлаш ҳамда кундалик ижтимоий муносабатларнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Бироқ рақамли трансформатсия жараёни билан бир қаторда ахборот хавфсизлиги таҳдидлари, киберҳужумлар ва кибержиноятчиликнинг турли кўринишлари ҳам сезиларли даражада кучаймоқда. Интернет ва рақамли платформалардан ноқонуний фойдаланиш, шахсий маълумотларни ўғирлаш, онлайн фирибгарлик, банк карталари билан боғлиқ жиноятлар, зарарли дастурлар тарқатиш, ижтимоий тармоқларда манипулятсия ҳамда масофадан туриб содир этиладиган бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар кибержиноятчиликка қарши курашни замон талабига мос равишда такомиллаштириш заруратини янада долзарблаштирамоқда.

Кибер маконда содир этилаётган иқтисодий жиноятларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у кўпинча трансчегаравий характерга эга бўлади, анонимлик ва



тезкорлик омиллари ҳисобига жиноятни аниқлаш ҳамда исботлаш жараёнини мураккаблаштиради. Жиноят содир этиш воситаларининг доимий янгилашиб бориши, рақамли далиллар билан ишлашдаги техник ва процессуал муаммолар, кадрлар салоҳиятини ошириш, ахборот ресурсларини муҳофаза қилиш ҳамда институтчионал ҳамкорликни йўлга қўйиш каби масалалар криминология ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг кун тартибидаги энг долзарб йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу маънода, кибер маконда содир этилаётган иқтисодий жиноятчиликка қарши курашда фақатгина жазолаш чораларига таяниб қолмасдан, комплекс профилактика, рискларни бошқариш, криминологик прогнозлаш, аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш ва замонавий технологик ечимларни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Глобаллашув ва ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши шароитида Ўзбекистон янги чақириқ ва таҳдидларга дуч келмоқда. Бу вазият ахборот хавфсизлигини таъминлашга комплекс ёндашувни талаб этади. Мазкур ёндашув кенг қамровли масалаларни ўз ичига олади, жумладан давлат ва тижорат маълумотларини ҳимоялаш, муҳим инфратузилма хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий маълумотларга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда киберхужумларга бардошлиликни ошириш каби масалаларни қамраб олади.

Сўнгги йилларда рақамли муҳитнинг кенгайиши криминология олдида янги илмий саволларни қўймоқда:

Кибер маконда содир этаётган иқтисодий жиноятчиларнинг психологик портрети анъанавий жиноятчидан нимаси билан фарқ қилади?

Рақамли хулқ-атвор моделлари қандай шаклланади?

Виртуал макон жиноят содир этиш мотивларига қандай таъсир кўрсатади?

Интернет муҳитидаги ижтимоийлашув жиноятчиликка мойилликка таъсир қиладими?

Кибер маконда содир этилиётган иқтисодий жиноятлар статистикасини қандай таҳлил қилиш мумкин?

Бу саволлар кибер маконда содир этилаётган иқтисодий жиноятчиликни фақат техник ҳодиса сифатида эмас, балки ижтимоий-психологик, криминоген ва криминологик жараён сифатида кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Демак, кибержиноятчиликни олдини олиш криминологиянинг амалий натижаларига асосланиши керак.

Профилактика – жиноят содир бўлишидан аввал унинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш, хавфни камайтириш, ҳуқуқбузарлик содир этиши эҳтимоли юқори бўлган шахслар, гуруҳлар ёки муҳит билан тизимли ишлашга қаратилган жараён.

Кибер маконда содир этилаётган иқтисодий жиноятчилик шароитида профилактиканинг вазифалари янада кенгайди:

- 1) Ахборот саводхонлигини ошириш – фойдаланувчиларни рақамли хавфлар ҳақида хабардор қилиш;
- 2) Техник хавфсизликни кучайтириш – ҳимоя дастурларидан фойдаланиш, хавфсиз парол яратиш, мониторинг;
- 3) Жамоатчиликни жалб қилиш – хабар бериш тизимларини ривожлантириш;
- 4) Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш – кибержиноятларга мос жазо ва тартибларни жорий этиш;
- 5) Хавф гуруҳидаги шахслар билан ишлаш – ёшлар, ИТ соҳасидаги шахслар, онлайн фаол фойдаланувчилар билан суҳбатлар, тренинглар ўтказиш.

Профилактика кибер маконда содир этилаётган иқтисодий жиноятларга қарши курашнинг энг самарали йўли бўлиб, у техник чоралар билан чекланмайди. Профилактика ижтимоий, психологик, ташкилий ва ҳуқуқий ёндашувлар мажмуасидан иборат.

Кибермаконда содир этилаётган иқтисодий жиноятларга қарши профилактика механизмларининг турлари:

- 1) Умумий профилактика: Жамоатчиликка мўлжалланган ахборот хавфсизлиги дарслари, интернет маданиятини ошириш, оммавий тарғибот кампаниялари шулар жумласидандир. Улар кенг кўламда рақамли саводхонликни оширишга қаратилади.
- 2) Махсус профилактика: Муайян гуруҳлар – мактаб ўқувчилари, талабалар, онлайн бизнес эгалари, давлат хизматчилари учун махсус ўқув дастурлари, тренинглар, хавфсизлик протоколлари ишлаб чиқилади.
- 3) Индивидуал профилактика: Жиноят содир этиши эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан психологик суҳбатлар, мониторинг, маслаҳатлар, онлайн фаолиятни назорат қилиш каби чоралардан иборат.

Бу уч даража бир-бирини тўлдиради ва комплекс ёндашувни таъминлайди.

Дунёнинг бир қанча давлатларида кибержиноятларга қарши кураш бўйича илгор тажрибалар шаклланган. Жумладан, Эстония давлатида киберхавфсизлик бўйича марказлаштирилган бошқарув тизими яратилган бўлиб, барча фуқаролар ягона электрон идентификация (е-ИД) орқали давлат хизматларидан хавфсиз фойдаланади. Мамлакат X-Род платформаси ёрдамида турли идоралар ўртасидаги маълумот алмашинуви шифрланган тарзда амалга оширилади ва доимий равишда киберхужумларга қарши миллий даражадаги машғулотлар ўтказилади. Японияда эса киберхавфсизлик маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, болалар ва ёшлар учун эрта ёшдан рақамли саводхонлик, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва онлайн хавфсизлик бўйича махсус ўқув дастурлари жорий этилган.

Ўзбекистонда рақамли трансформация жараёнлари изчил давом этаётган бўлсада, киберхавфсизлик соҳасида бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Сўнгги 5 йил ичида кибержиноятлар 68 баробарга кўпайган. 2019-йилда 18 турда бўлган бўлса, 2024-йилда 62 турга етган.

Энг аввало, киберхужумлар сонининг кескин ортиб бораётгани мавжуд инфратузилманинг доимий мониторинг ва тезкор жавоб бериш имкониятларини кучайтиришни талаб қилади. Амалиёт шуни кўрсатадики, кўпгина ташкилотларда ахборот тизимларининг заифликларини ўз вақтида аниқлаш, уларни тестдан ўтказиш ва ҳимоя қатламларини янгилаб бориш яхши йўлга кўйилмаган. Яна бир муҳим масала – инсон омилidir. Фойдаланувчиларнинг рақамли саводхонлиги етарли эмаслиги, заиф пароллардан фойдаланиши, номаълум ҳаволаларга кириши ёки шубҳали файлларни юклаб олиши натижасида кибержиноятчилар кўпинча ижтимоий инжиниринг усулларида муваффақиятли фойдаланмоқда. Бу эса давлат ташкилотлари ва хусусий сектор учун кўшимча хавф туғдиради. Қонунчилик базасининг тўлиқ шаклланмаганлиги ҳам муаммолардан биридир. Ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш, шахсий маълумотларни қайта ишлаш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлсада, халқаро стандартлар даражасида тўлиқ интеграция қилинган ва ягона механизмни яратиш ҳали ҳам долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Кибер маконда содир этилаётган иқтисодий жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш учун, аввало, криминологик таҳлил ва статистик мониторинг тизимларини такомиллаштириш зарур бўлиб, бу киберхавф-хатарларнинг реал ҳолатини аниқлаш ва уларнинг динамикасини мунтазам баҳолаб бориш имконини беради. Шунингдек, рақамли хавфсизлик



компетенсияларини эрта шакллантириш мақсадида ахборот хавфсизлигига оид билимларни умумтаълим мактабларидан бошлаб олий таълимгача бўлган босқичларга изчил интегратсия қилиш муҳим аҳамият касб этади. Кибержиноятчиликка қарши курашнинг институтсионал асосларини кучайтириш учун киберполитсия, махсус тезкор техник гуруҳлар ва экспертиза марказларини ривожлантириш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий салоҳиятини мустаҳкамлаш талаб этилади. Жамиятда рақамли маданиятни ошириш ҳам профилактиканинг муҳим таркибий қисми бўлиб, аҳолининг кибергигиена бўйича хабардорлигини оширувчи маърифий дастурлар, тренинглар ва медиа ташвиқот фаолиятларини кенгайтириш зарур. Шу билан бирга, кибержиноятчиликни олдини олишда янги илмий ёндашув сифатида прогнозлашга асосланган предиктив хавфсизлик моделларини жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай моделлар сунъий интеллект ва машинавий ўқитиш алгоритмларидан фойдаланиб, реал вақт режимида киберхатарлар эҳтимолини олдиндан башорат қилади, зарар етказилишидан аввал уларни нейтраллаштириш имконини яратади. Предиктив таҳлилнинг қўлланилиши кибержиноятчиликнинг фақат содир бўлгандан кейинги эмас, балки содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳам аниқлашга хизмат қилиб, профилактика тизимининг илмий асосланганлиги ва самарадорлигини сезиларли даражада оширади.

Кибер маконда содир этилаётган иқтисодий жиноятлар замонавий жамият учун жиддий хавф бўлиб, уни фақат техник чоралар билан тўлиқ бартараф этиб бўлмайди. Жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактика стратегияси ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва техник ёндашувлар уйғунлигини талаб қилади. Криминология ушбу жараёнга илмий асос яратиб беради, профилактика эса мазкур илмий билим асосида амалий чораларни шакллантиради. Кибер маконда содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муваффақиятли бўлиши учун жамиятнинг барча қатламлари – давлат идоралари, таълим тизими, хусусий сектор ва аҳоли – бирдек масъул бўлиши лозим. Профилактиканинг самарали амалга оширилиши рақамли хавфсизликни мустаҳкамлайди, жиноятчилик таҳдидларини камайтиради ва барқарор ривожланиш учун замин яратади.